



POLAND



POLAND

МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ САЛОҲИАТИНИ ОШИРИШДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Мирзаев Закир Абдуллаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15754424>

Мамлакатлар ташқи иқтисодий сиёсатларининг очиқлик даражаси ошиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида давлатларнинг ўзаро бири-бирига қарамлиги кучайиб бориши шароитида ҳар бир ривожланиш сари юз тутган мамлакат учун экспорт ва импорт салоҳиятини ошириш жаҳон ҳўжалигига интеграциялашувнинг асосий омилларидан бирига айланади. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, экспорт салоҳиятини оширишда, энг аввало, юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизациялаш ва қайта қуроллантиришга қаратилган техника ва технологиялар импортига нисбатан қўлланиладиган божхона тўловлари ва улар бўйича имтиёзлар тизимини яратиш лозим. Бу экспортнинг товар ва географик таркибини диверсификациялаш орқали ташқи савдо субъектларининг жаҳон қўшилган қиймат занжирига интеграциялашув даражасининг ошишига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш" деб номланган учинчи йўналишида ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий техника ва технологияларни жорий этишга қаратилган қулай инвестициявий муҳитни яратиш, божхона тўловларини ундириш ва улар бўйича бериладиган имтиёзларнинг замонавий тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди.

2017-2023 йиллар давомида божхона тўловларини ундириш режаси ва унинг бажарилиши кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз (1-жадвал) биз кўриб чиқаётган 2017-2023 йиллар давомида режа амалда тўлиқ ижро этилиб келинаётганлигини кўришимиз мумкин.



POLAND



POLAND

1-жадвал


Ўзбекистонда божхона тўловларини ундириш режаси ва ижроси кўрсаткичлари¹ (млн. АҚШ долларида)

Т/р	Йиллар	Божхона тўловларини ундириш режаси	Ҳақиқатда ундирилган божхона тўловлари	Фарқи, (+;-)	Бажарилиши, %да
1	2017	909,9	934,5	+24,59	102,7
2	2018	1 341,6	1 377,5	+35,94	102,7
3	2019	1 801,6	1 801,6	0	100,0
4	2020	2 293,1	2 360	+66,88	102,9
5	2021	2 724,1	3 065,8	+341,66	112,5
6	2022	3 600,9	4 100	+499,13	113,9
7	2023	4 152,8	4 700	+547,25	113,2

2019 йилдан бошқа йилларда режа ортиғи билан бажарилган. Режани ошириб ижро этиш айниқса, сўнгги 3 йилда анча юқори бўлган. Бунга ушбу йилларда имтиёзлар беришнинг оптималлаштирилиши оқибатида берилган имтиёзлар ҳажмининг қисқариши сабаб бўлган дейишимиз мумкин. Буни қуйидаги 2-расмдан ҳам кўришимиз мумкин. Унга кўра, божхона тўловларидан имтиёзлар 2019 йилда энг кўп миқдорда берилган (6 267,1 млн.АҚШ доллари) ҳамда 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 1,3 мартага камайган ва ундирилган божхона тўловлари билан деярли тенглашган.

Божхона тўловларини ундириш кўрсаткичининг ўсиши эса, бир хил суръатда рўй бермоқда ва 2023 йилда 2017 йилдагига нисбатан 5 бараварга ошган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси маълумотлари.



2.2-расм. Ўзбекистонда ундирилган божхона тўловлари ва улар бўйича берилган имтиёзлар кўрсаткичлари.²

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиз ташқи савдо салоҳиятини ривожлантириш, унинг экспорт ҳажмини ошириш, таркиби ва географиясини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган чоратadbирлар тизимида иновацион техника ва технологиялар, тўғридан-тўғри инвестициялар, биринчи навбатда, мамлакат ва аҳолининг зарур эҳтиёжларини қондирилишини таъминловчи маҳсулотлар импортига нисбатан божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллаш, уларнинг сабабларини ўрганган ҳолда улардан фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштириш эътиборга молик масалалардан бирига айланди.

Ушбу масалаларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши муҳим босқич ҳисобланади. Фикримизча, мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлишида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- экспорт ҳажмида хом-ашё улушини камайтириб, тайёр масулотлар ҳажмини ошириш мақсадида 1997 йилдан буён бекор қилинган экспорт божини хом-ашё маҳсулотларига нисбатан тиклаш;

² Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси маълумотлари.



POLAND



POLAND

- импорт қилинаётган акцизоти маҳсулотларининг акциз солиғи ставкаларини маҳаллий маҳсулотлар учун белгиланган акциз солиғи ставкалари билан бирхиллаштириш;

-Аъзо бўлингунга қадар ва аъзо бўлинган кейин импорт бож ставкаларини ЖСТ бож тарифларига босқичма-босқич имплементация қилиб бориш;

-Евро Осиё иқтисодий иттифоқига аъзолик жараёнларини вақтинчалик тўхтатиб туриш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Майброва. Налоговая политика: теория и практика – Москва, ЮНИТИ, 2010 г., -316 с.
2. Олин Б. – Межрегиональная и международная торговля, - Москва, - 2004 г., -385 с.
3. Портер М.Е. – Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. Пер. с англ. – Москва, Международные отношения, 1993 г., -896 с.
4. Портер М.Е. Конкуренция. / Пер. с англ. – Москва, «Вильямс», 2002 г., - 176 с.
5. Сакс Дж.Д. - На пути к рыночной экономики, - Москва, «Экономика», 1994 г., -242 с.
6. Свинухов В.Г. Таможенно-тарифное регулирование внешнеэкономической деятельности.// Учебное пособие, - Москва, Экономист, 2004 г., -455 с.
7. Халеванская Е.Д., Вавилова Е.В. Всемирная торговая организация и российские интересы, - Москва, Магистр, 2009., -367 с.
8. Экономическая безопасность России: Учебник //Под ред. В.К.Сенчагова, 3-е изд., перераб. и доп. - Москва, Бинوم, Лаборатория знаний, 2010 г., -815 с.
9. www.customs.uz
10. www.databank
11. www.lex.uz
12. www.my.soliq.uz